



Ishonch

2016-yil
28-yanvar,
payshanba,

№ 12
(3673)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik

Халқаро стандартларга мос



Мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётди. Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва энгилликлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Бу эса қўллаб-қувватлаш йўлини яратиб, базорларимиз янгидан-янги маҳсулотлар билан тўлишига сабаб бўляпти.

Пойтахтимиздаги «Lider Line» корхонаси бунга яққол мисолдир. Фаолият бошлаганига қўл бўлмаган корхонада халқаро стандартларга мос ва биноларни иситишда қўлланганидан алюминий радиаторлар ишлаб чиқарилади. Эйтибборлиси, Италия, Германия каби давлатлардан келтириб ўрнатилган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, автоматлаштирилган линия қўмағида бу ердан тайёрланаётган етти турдаги маҳсулот олдинги муқобилларига нисбатан 7-8 фоиз қўл иссиқлик етказиб бериш имкониятига эга.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

2013 йилнинг сентябр ойдан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида оммавий ахборот воситаларини онлайн тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш учун электрон ариза тақдим этиш хизмати жорий этилган эди. 2016 йилдан бошлаб мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тadbirkorлик субъектлари учун яна бир қўлайлик яратилди, яъни Ягона порталда ноширлик фаолиятини лицензиялаш учун электрон ариза қабул қилиш йўли қўйилди. Бу тadbirkorлар ва агентлик ўртасида ортиқча қоғоз алмашишини оқлатиб, вақтни тежаш билан бирга яна бир қатор имкониятларни яратди.

КАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ

Китоб туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Қарийб 1 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига бунёд қилинган марказ туман аҳолиси учун ҳақиқий тўхта бўлди. Икки қаватли узоқ вақт мақсада 495 ўринли зал, машғулотлар хонаси ҳамда турли тўғарақлар учун хоналар мавжуд. Тренажёр зали, аёллар соғломлаштириш клуби, стол тенниси ва муайтай заллари спортсварлар ихтиёрида.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Тошлоқ туманида «Ягона дарча» маркази иш бошлади. Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тadbirkorлик субъектлари бўйича «Ягона дарча» таъминоти қўйишга давлат хизматлари кўрсатиш тартибинан янада такомиллаштириш чора-тadbirkorлиги тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида иш бошлаган марказда тadbirkorларга малакали мутахассислар томонидан 16 турдаги хизмат фаолият этилмоқда.

Марказ таъини тadbirkorларга давлат хизматларидан фойдаланишда қўлайликлар яратиш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан Чиноз туманидаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтказилди. Ҳарбийларнинг аёллари ва фарзандлари УТТ, ЭКГ ва бошқа кўча ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказилди. Терапевт, педиатр, эндохринолог, акушер-гинеколог, офтальмолог каби малакали шифокорлар уларга зарур тadbirkorлиги берди.

ЎА хабарлари асосида тайёрланди.

Бандлик

Коллеж битирувчисини ўқув амалиётини ўтаган корхонага ишга жойлаштириш тажрибаси Жиззах шаҳрида кенг қўлланилмоқда. Утган йили шаҳарда 9 та касб-хўна колледжини 43 та мутахассислик бўйича 3173 нафар ёш битирди.

Касби бўйича ишга жойлаштириш назарда туталган уч томонлама шартнома тузилиши битирувчиларни бандлигини таъминлашда қўл келяпти. Шартномалар ижросини назорат қилишда фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этмоқда. Утган 2015 йили шаҳарда умумий қиймати 153 миллиард 454 миллион сўмлик 46 та лойиҳа ишга туширилди, 1010 та янги иш ўрни яратилди.

Яқинда бундай корхоналар сонни яна биттага кўпайди. «Қалния» маҳалласида йилга 2,5 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга «Жиззах гранд текстил» МЧЖ иш бошлади.

Битирувчилар, айниқса, қизларнинг бандлигини таъминлашда янги иш бошлаган бундай корхоналар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур объектининг ишга туширилиши билан 60 та янги иш ўрни яратилди.

Абдумонноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Анжуман

Соҳа ривожини йўлида

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2015 йил ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ҳамда 2016 йилдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тadbirkorда истиқлол йилларида соҳада кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, сўнгги ўн беш йил давомида 1 минг 200 километрдан зиёд темир йўл қурилгани, 3 минг 800 километрлик темир йўл модернизация қилингани алоҳида таъкидланди.

Утган йили темир йўл станцияларидан 67,7 млн. тонна юк ортилиб, миллионга етказиб берилди. Бу 2014 йилга нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди, — деди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Равшан Икромов. — Шунингдек, 2015 йилда 347,7 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилиб, санаот корхоналаримизда 388,2 млрд.

сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Анжуманда жорий йилда амалга оширилиши кутилган режалар хусусида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, йил давомида 28 та лойиҳа амалга оширилиб, жумладан, «Кўкун-Анджон» темир йўл участкасини электрлаштиришни якунлаш», «Самарқанд-Бухоро электрлаштирилган юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш» лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинади.

Йиғилишда ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири

Раёсат йиғилиши

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни бирлашма кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов олиб борди.

Таҳлил ва галдаги вазифалар

Асосий эътибор бирлашманинг 2015 йил давомидаги фаолияти якунлари ҳамда республикани 2016 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда касба уюшма ташкилотларининг галдаги вазифаларига қаратилди.

Қайд этилганидек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Йил давомида 1092 та нодавлат ташкилотда бошланғич касба уюшма қўмитаси ташкил этилиб, 21520 нафар ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Мавжуд имкониятлар фаолиятини янада жадаллаштириш муҳимлигини кўрсатади ва бу, шубҳасиз, аъзолар сафининг муттасилини олиб беришига хизмат қилади.

»(2).

Хотин-қизлар манфаатлари қасаба уюшма назоратида

Имконият ва имтиёз

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаолигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратилган.

Вилоятимизда истиқомат қилаётган 1,7 млн. аҳолининг 857 мингдан ортиғи, яъни 51,5 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 61,8 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Шу боисдан хотин-қизлар учун янги иш ўринларини ташкил қилиш, касб-хўнага йўналтириш ва ўргатиш, тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларга им-

тиёзлар бериш, кредит ресурсларидан фойдаланишга йўл очиш ва шахсий имкониятларни шакллантириш ҳамда улар ўртасида ҳудудий-иқтисодий ўқув-семинарлар ташкил этиб, билимларни ошириш олдимизда турган асосий вазифалар сирасига кирди.

Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфи-


даги барча тармоқ ташкилот ва муассасаларда 2015-2017 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномаларига аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар бўлими киритилган бўлиб, унга кўра, хотин-қизларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш

ҳуқуқидан фойдаланиш, шунингдек, бандлик имтиёзлари белгиланган.

Ишлаб чиқариш ҳажми камайгани сабабли малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлиmlарини қисқартириш ўрнига тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш, тиббий куриқдан ўтиш асноси ҳомилдор аёлларни иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгиланган каби имтиёзлар акс этган.

Корхона ва ташкилотларда аёл ходимлар учун дам олиш, гигиена, тиббий, кийим алмаштириш ҳамда ювенил хоналари мавжудлиги қасаба уюшмаси томонидан назорат қилиб борилади.

»(2).



Қувасой мебеллари

>> 2



«Учар» дарахт

>> 3



Олимп сари

>> 4

